

Тошкент Давлат юридик институти

“Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи” кафедраси

доц. Турсунов Й., Усманова М.

***“Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фанини ўрганиш бўйича
иккинчи мутахассислик талабалари учун ўқув услубий
қўлланма***

ТОШКЕНТ 2006

Кириш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий таъминот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишини таъминлаш – миллий қонунчилик тизимимиз олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Ушбу вазифани муваффақиятли бажарилишида замонавий ва мукамал ишланган қонунчилик актлари билан бир қаторда уларни тўғри ҳамда ўринли қўллай биладиган малакали ҳамда билимли мутахассис кадрларнинг ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунда рўёбга чиқарилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ана шундай замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш лозимлиги белгиланган ва бунинг учун тегишли ўқув ҳамда услубий адабиётлар билан етарли даражада таъминлаш долзарб эканлиги қайд этилган.

Республика Президенти И.А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги ўзининг маърузасида «Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас» деб кўрсатиб ўтган эди. Шундан буён ўтган йиллар давомида ушбу соҳада катта хажмдаги ва кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, Тошкент Давлат юридик институти илмий жамоаси томонидан ўқув дарсликлари ва қўлланмалари, илмий услубий ишлар чоп этилди ҳамда Президентимизнинг кўрсатмалари асосида муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан биргаликда бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали етарли эмас.

Ушбу услубий қўлланма юридик институти ва юридик факультетларида «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи» ўқув курсини

бўлғуси бакалавр – талабаларига ўқитиш бўйича илмий ва амалий йўл-йўриқларни беришга, фанга оид маърузаларни илмий назарий ўрганиш, қонунчилик нормаларини тадбиқ этилиши юзасидан амалий кўникмалар хосил қилишни осонлаштиришга қаратилгандир.

Услубий қўлланма айрим мавзуларни ўрганиш юзасидан тавсиялар, мавзуга оид норматив-ҳуқуқий ва махсус адабиётлар, тест саволлари вариантлари, схемаларни ўз ичига олади.

Ушбу услубий қўлланма илк маротаба тайёрланаётганлиги туфайли унда айрим жузъий камчиликлар бўлиши табиий хол ва шу сабабли бу ҳақдаги қимматли фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашган китобхон дўстларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Б И Р И Н Ч И Б Ё Л И М
«ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ» КУРСИНИ
ЎРГАНИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР.

У М У М И Й Қ И С М

1-Мавзӯ. «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи» курсининг
тушунчаси, предмети ва вазифалари.

Ушбу мавзӯни ўрганишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (39-модда) фуқаролар қариганларида, меҳнат қобилиятини йўқотганларида, боқувчисидан жудо бўлганларида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда нормал турмуш даражаларини таъминлайдиган даражада моддий таъминот, ўзга ижтимоий ёрдамлар олиш ҳуқуқига эга эканликларини, давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсат моҳият жиҳатдан ушбу ҳуқуқни амалда таъминлашга ва рўёбга чиқаришга қаратилганлигини талабаларга чуқур сингдиришдан иборатдир.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида фуқароларни ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги барча асосий халқаро ҳуқуқий универсал ҳужжатларни (БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пакт», «Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро Пакт ва унинг факультатив протоколи» ва бошқалар) эътироф этди, уларга қўшилди ва ўзининг ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини, ижтимоий таъминотга оид миллий қонунчилик тизимини ушбу халқаро ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштиришга интилоқда.

Талаба мавзуни ўрганар экан, ўқув курсининг предмети фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш соҳасидаги Конституциявий ҳуқуқларини амалга оширилиши чоғида давлат ижтимоий таъминот органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона ва ташкилотлар, бошқа давлат идоралари билан ижтимоий таъминот берилаётган шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар эканлигини билиб олишлари лозим. Шунингдек, турли давлат органлари ўртасида, давлат идоралари билан корхона ва ташкилотлар ўртасида ижтимоий таъминотнинг амалга оширилиши юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар ҳам (Бюджетдан ташқарии пенсия жамғармаси, ижтимоий таъминот органлари, давлат солиқ органлари, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар) ижтимоий таъминот ҳуқуқининг предмети доирасига кириши тушиниб олинмоғи лозим.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг услублари деганда унинг предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар қандай усулда, қанақа шакл ва воситалар билан тартибга солиниши тушунилади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи асосан давлат органлари томонидан фуқароларга ижтимоий таъминот берилишига қаратилганлиги сабабли бир томонни иккинчи томонга бўйсунушига, давлат эрки-иродасини юзага чиқаришга, яъни маъмурий-ҳуқуқий воситаларга таянган ҳолда, мажбурлаш усулидан фойдаланилгани ҳолда иш юритилишига асосланади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг асосий функцияси - мамлакатда яратилган ялпи миллий даромаддан қариялар, ногиронлар ва бошқа бева-бечораларга хисса ажратиб берилишини ҳуқуқий жихатдан тартибга солишга қаратилган.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг вазифалари кўп қиррали бўлиб, улар фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишини таъминлаш, давлат ва жамият маблағлари ижтимоий таъминот олувчиларга тақсимланаётганида ижтимоий адолат тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, қонунийликни таъминлаш кабилардан иборат.

Талаба ушбу мавзунини ўрганаётганда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқилгани ҳолда боқимандачиликка йўл қўймаслик, ёрдамни жамиятнинг ҳақиқатдан ҳам мухтож аҳоли қатламларига аниқ йўналтирилаётганлигини, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига мувофиқ ижтимоий таъминотнинг тобора кўпроқ турларини амалга ошириш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказила борилаётганлигини англаб етишлари лозимдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи Ўзбекистон миллий ҳуқуқининг мустақил соҳаси сифатида ўз тизимига эга ва у умумий қисм ҳамда махсус қисмни ўз ичига олади. Талаба умумий қисм ва махсус қисмларда ўрганилиши лозим бўлган масалаларни англаб олмоғи керак.

2-Мавзӯ. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари деганда, фуқароларга ижтимоий таъминот бериш чоғида дастурул амал бўлиб хизмат қиладиган умуминсоний зоялар, миллий-ахлоқий қадриятлар, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгилаб қўйилган бош қоидалар тушунилмоғи лозим.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари ўз манбаларига кўра:

1. Ўзбек халқининг минг йилликлар давомида шаклланган, қарор топган миллий ахлоқи, миллий диний хусусиятлари, тарихий анъаналарига таянувчи тамойиллар;

2. Халқаро ҳуқуқий хужжатларда, глобал ва регионал халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар, қарорлар, тавсиялар белгилаб қўйилган тамойиллар;

3. Юқоридаги икки манбага таянилгани ҳолда ҳамда аниқ тарихий тараққиёт хусусиятлари, реал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитлар эътиборга олинган ҳолда қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тамойиллар бўлиши мумкин.

Талаба ижтимоий таъминот ҳуқуқи тамойилларини ўрганиш чоғида унинг манбаи, мохияти ва мақсадини чуқур англаб етмоғи шарт.

Бугунги кунда ижтимоий таъминот ҳуқуқининг қуйидаги тамойиллари кенг эътироф этилган:

1) Ижтимоий таъминотнинг умумийлиги, яъни ижтимоий таъминот зарур шартлар зарур бўлгани тақдирда барча фуқароларга уларнинг миллати, тили, дини ва бошқа белгиларидан қатъи назар умумий тарзда берилиши, бу соҳада камситишга йўл қўйилмаслиги;

2) Ижтимоий таъминот турларининг хилма-хиллиги, бугунги кунда пенсиялар, нафақалардан ташқари ўнлаб бошқа турдаги ижтимоий таъминот бериб борилмоқда.

Бозор муносабатлари тараққий топгани сари ижтимоий таъминот шакллари ҳам тобора хилма-хиллаша боради.

3) Ижтимоий таъминотнинг турмуш даражасига мос ҳолда бўлиши, фаровон турмуш учун етарли миқдорда берилиши;

Хозирги кунда вақти-вақти билан пенсия ва нафақалар индексацияланиб бормоқда ва уларнинг миқдори яшаш учун зарур бўлган минимал миқдорларда бўлишига эътибор бериб келинмоқда.

4) Ижтимоий ёрдамни асосан давлат ва корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши. Мамлакатимизда келгусида берилиши лозим бўлган пенсия ва нафақалар учун шахсан фуқароларнинг ўзи деярли ҳеч қандай маблағ тўламайди ҳамда ижтимоий таъминот учун зарур маблағ ва жамғармалар, корхоналар ажратадиган бадаллар ҳисобига ташкил топади.

5) Ижтимоий таъминот тизимини бошқарилишида давлат идоралари билан бир қаторда, жамоат органлари ҳам иштирок этадилар. Ногиронлар, фахрийлар, махалла ва бошқа ижтимоий жамғармалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий таъминот соҳасини бошқаришда иштирок этадилар. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида нодавлат ташкилотларининг бу соҳада ваколатлари янада кенгайиб боравериши назарда тутилмоғи лозим.

3-Мавзӯ. Ижтимоӣ таъминотга оид ҳуқуқий

муносабатлар.

Ижтимоӣ таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар-бу фуқароларнинг ижтимоӣ таъминот олиш соҳасидаги ҳуқуқларини амалга оширилиши чоғида юзага келувчи ижтимоӣ муносабатлардан иборатдир.

Ижтимоӣ таъминот ҳуқуқи соҳасидаги муносабатлар, яъни ўз мақсадига кўра фуқароларни ижтимоӣ таъминлаш, уларни химоя қилиш, турли ижтимоӣ ёрдамлар кўрсатишга қаратилган ва қонун нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоӣ алоқалар ўз хусусиятларига кўра бир қатор турларга бўлиниши мумкин ва бунда кўрсатиладиган ижтимоӣ таъминот тури, иштирокчилари мақсади ҳамда бошқа хусусиятларига кўра улар турларга ажратилиши, классификацияланиши мумкин.

Ижтимоӣ таъминот турларига кўра улар:

- А) пенсиялар тайинлаш ва тўлашга оид бўлган муносабатлар;*
- Б) нафақалар тайинлаш ва тўлаш соҳасидаги муносабатлар;*
- В) ижтимоӣ ёрдамларни натурал ҳолда кўрсатишга оид бўлган муносабатлар;*
- Г) ижтимоӣ имтиёзлар беришга оид муносабатларга бўлинади.*

Мақсадга кўра ижтимоӣ таъминотга оид муносабатларни:

- А) Фуқароларни ижтимоӣ таъминлаш ва ижтимоӣ химоя қилиш чоғида ижтимоӣ таъминот бўлимлари, бошқа ижтимоӣ таъминотни амалга оширувчи органлар билан фуқаролар (оила) ўртасидаги муносабатлар;*
- Б) Ижтимоӣ таъминотни амалга оширувчи давлат органлари тизимини бошқаришга оид муносабатлар;*
- В) Ижтимоӣ таъминот соҳасида қонунчиликка амал қилинишини давлат ва жамоат назоратига оид муносабатлар;*

Г) Ижтимоий таъминот соҳасидаги қонунбузарликлар содир бўлганда ҳуқуқий жавобгарликка оид муносабатлар;

Д) Ижтимоий таъминот соҳасини мувофиқлаштириш ва истиқболни белгилашга оид муносабатлар.

Ижтимоий таъминот муносабатларида юз берадиган низоларни хал этиш, ҳуқуқларни химоя қилиш соҳасида:

А) ҳуқуқбузарликлар юзасидан тегишли суд ёки бошқа низони кўриб хал этаётган органлар билан юз берадиган процессуал муносабатлар;

Б) ҳуқуқларни амалга оширилиш тартиблари, тааллуқли бўлган процедурага оид муносабатларга бўлинади, ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз объекти, субъекти ва мазмунидан иборат таркибий қисм (элемент)ларига эга бўлади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат объекти бўлиб, бу муносабат қаратилган нарса (пенсия, нафақа ёки бошқа ижтимоий таъминотни олиш ҳуқуқи ва хоказо) тушунилади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи субъектлари деганда, бу муносабатларда иштирок этаётган, ўзларининг ҳуқуқларини амалга ошираётган шахслар (фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари ва хоказо) тушунилмоғи лозим.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни деганда, ушбу муносабат иштирокчилари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунилади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келиш асоси бўлиб, бу соҳада ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган воқеа-ходисалар, юридик фактлар саналади (масалан: тугилиш, пенсия ёшига етиш, ногирон бўлиб қолишга оид юридик фактлар ва хоказолар).

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши бекор бўлиши юридик фактлар содир бўлишига, кўпчилик ҳолларда эса бир неча юридик фактлар мажмуидан иборат юридик таркиб бўлиши талаб этилади.

4-Мавзў: Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари деганда, ижтимоий таъминотнинг амалга оширилиши чоғида юз берувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари тушинилмоғи лозим.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаи бўлган норматив актлар умумий ва махсус манбаларга бўлинади. Умумий манбаларга Ўзбекистон Конституцияси, ижтимоий таъминот ҳуқуқларини кўзда тутувчи бошқа қонунлар, қонун асосидаги меъёрий ҳужжатлар киради.

Махсус манбалар бўлиб эса ижтимоий таъминотни амалга оширилиши тартибларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари киради. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги» қонунлар, улар асосида Ўзбекистон Хукумати чиқарган қарорлар, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари махсус манбалардир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари бўлган қонун ҳужжатлари ўз юридик кучига кўра:

- А) Конституция ва конституциявий қонунларга;*
- Б) Кундалик қонунларга;*
- В) Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига;*
- Г) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга;*

Д) Махаллий давлат хокимияти органлари қабул қиладиган меъёрий хужжатларга бўлинади.

Муайян холларда корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам ўз ходимларини ижтимоий химояси ва қўшимча ижтимоий таъминоти масалаларида локал норматив хужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий хужжатлар (БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва бошқа давлатлараро ахдлашувлар, Конвенциялар) агар улар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификацияланган (Ўзбекистон уни тан олган) бўлса ҳуқуқнинг бевосита қўлланилиши мумкин бўлган манбаига айланади.

Бугунги кунда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳақидаги Пакт ва бошқа баъзи халқаро ҳуқуқий хужжатлар ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаларидан бўлиб саналади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаи саналувчи ҳуқуқий хужжатлар уч хил муҳитда амал қиладди. Улар ҳудуд, вақт ва шахслар ўртасида амал қилишидан иборат.

Ҳуқуқий хужжатларнинг тушунчаси, қабул қилиниш тартиби ва қўлланилиши масалалари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги қонунда ёритиб берилган. Унга кўра: белгиланган шаклда қабул қилинган, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжат норматив-ҳуқуқий хужжат деб аталади.

Норматив ҳуқуқий хужжатларнинг вақт доирасида амал қилиш қоидалари «Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги қонунни 28-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра норматив ҳуқуқий хужжат умумий қоидага кўра кучга киритилган пайтдан бошлаб то бекор қилингунча амал қиладди ва орқага

қайтиш-кучга кирганига қадар юзага келган муносабатларни тартибга солиш кучига эга бўлмайди. Аммо, қонун хужжатининг ўзида унинг амал қилиш муддати чекланиши орқали қайтиш кучи белгилаб қўйилиши мумкин. Қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари эълон қилиниши билан ёки унда кўрсатиб қўйилган бошқача муддатларда, идоравий меъёрий хужжатлар эса Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, давлат рўйхатида олингач, 10 кун ўтгач кучга киради.

Норматив ҳуқуқий хужжатларни шахслар ўртасида амал қилиши масалалари қонунда белгиланган бўлиб, одатда Ўзбекистоннинг барча ҳудудида амал қилади. Бироқ айрим қонун хужжатлари ёки уларнинг муайян қисмининг ҳудуд бўйича амал қилиш доираси чекланиши (масалан фақат қишлоқ жойларига, ноқулай табиий иқлим шароитлари мавжуд бўлган ҳудудларга, халқ хўжалигининг муайян тармоқларига мўлжалланган бўлиши) мумкин. Уларнинг вақт умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун нормаларини белгилаш бўйича амал қилиш доираси қонун хужжатининг бевосита ўзида белгилаб қўйилади.

Норматив ҳуқуқий хужжатларни шахслар ўртасида амал қилиш қоидалари «Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида кўзда тутилган. Унга кўра қоида бўйича норматив ҳуқуқий хужжатнинг юридик кучи барча жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётганларида амал қилади.

Аммо, қонун хужжатининг бевосита ўзида ёки бошқа норматив ҳуқуқий хужжат воситасида унинг шахслар ўртасида амал қилиш доираси бошқача белгиланиши (масалан,

пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи нормалар фақат фуқароларга, иш хақи фондидан Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш қоидалари фақат корхоналарга нисбатан тадбиқ этилади, фақат аёлларга нисбатан қўлланиладиган нормалар мавжуд ва хоказо) мумкин.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаи саналувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тугри тушуниб этилиши ва уларнинг тўғри тадбиқ этилиши мақсадида улар шархланиши мумкин. Расмий шарх (қонун ҳужжатини қабул қилган орган ёки у ваколат берган органнинг юридик кучга эга бўлган шархи) ва илмий шарх (бу соҳанинг олимлари ва мутахасислари томонидан шархлаш, юридик кучга эга эмас) мавжуд.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартирилиши ва бекор қилиниши тартиблари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

МАХСУС ҚИСМ

5 - Мавзу: Мехнат стажу.

Мехнат стажу фуқарога ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини берадиган вақт, давр ва энг муҳим юридик фактлардан бўлиб ҳисобланади.

Мехнат стажу деганда фуқаронинг ёлланиши, аъзолик ёки мустақил ташаббус кўрсатиш асосида мехнат фаолияти билан шугулланган, давлат ижтимоий суғуртаси билан суғурталанган ва унинг учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тегишли суғурта бадаллари тўлаб турилган барча даврлар тушунилади.

Талаба ушбу мавзуну ўрганишга киришаётганида фуқароларга ижтимоий таъминот улариинг давлат-жамият бойликлари кўпайишига ўз мехнати билан хисса қўшганлик даражасига

кўра берилишини, бу хиссани ўлчаш воситаларидан бири меҳнат стажини эканлигини англаб олмоғи лозим.

Меҳнат стажини умумий ва махсус бўлади. Умумий меҳнат стажини фуқаронинг унинг учун ижтимоий сугурта бадаллари тўлаб турилган ҳолдаги ҳар қандай фаолият давридан (меҳнат шартномаси тузган ҳолда ишлаш, бола парвариши билан банд бўлиш, кундузги таълим олиш, ҳарбий хизматни ўташ ва хоказолар) иборат бўлади.

Махсус меҳнат стажини деганда зарарли, ноқулай шароитларда банд бўлган, қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилган махсус ишлар билан шугулланилган ва шу тўғрисида ижтимоий таъминот олиш соҳасида имтиёздан фойдаланишнинг ҳуқуқини берадиган даврлар тушунилади.

Меҳнат стажини белгиланган шароитда ҳисобга олиб борилади ва уни тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчаси (ундаги иш фаолияти ҳақидаги ёзувлар) ҳисобланади. Тегишли ҳолларда меҳнат стажини бошқа ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида кўзда тутилганида эса гувоҳлар кўрсатувиغا кўра ҳам тасдиқланиши мумкин. Талаба ушбу мавзунини ўрганаётганида меҳнат стажини ҳисоблаш қоидаларини, шу жумладан дехқон хўжалиги аъзолари, эркин касб билан банд бўлган шахслар, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик қилаётган шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш қоидаларини билиб олиши шартдир.

Талаба шунингдек, махсус меҳнат стажини ҳисобга олиш, стажини қарраб ҳисоблаш, айрим даврларни меҳнат стажини сифатида ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуниб олиши меҳнат стажини белгилаш, ҳисоблашга оид тегишли қонун ҳужжатларини аниқлаш ва ўрганиши, яхши ўзлаштириб олиши лозим.

6 - Мавзӯ: Ёшга доир пенсиялар.

Мавзунини ўрганишга киришишдан аввал талаба ёшга доир пенсиялар фуқароларга тайинланадиган пенсияларнинг асосий шакли эканлиги ва **1 900 000** (бир миллион тўққиз юз минг)га яқин киши бу турдаги пенсиялар билан таъминланганлигини эсда сақлаши лозим.

Ёшга доир пенсия бу фуқаронинг аввалги даврлардаги меҳнат фаолияти учун ёши ва меҳнат стажига ҳисобга олинган ҳолда умрбод моддий таъминлаш учун ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтариб олмасликлари шартли билан мунтазам равишда тўлаб туриладиган тўловлардир.

Ёшга доир пенсиялар ўзига хос хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Умумий асослардаги ёшга доир пенсия;
2. Имтиёзли шартлардаги ёшга доир пенсия;
3. Муддатдан олдин тайинланадиган ёшга доир пенсия;
4. Тўлиқсиз меҳнат стажига билан тайинланадиган ёшга доир пенсия.

Талаба умумий асослардаги ёшга доир пенсия 60 ёшга етган эркекларга камида 25 йиллик меҳнат стажига билан, 55 ёшга етган аёлларга камида 20 йиллик меҳнат стажига билан тайинланиши мумкинлигини билиши лозим.

Имтиёзли ёшга доир пенсия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 1, 2 ва 3-сонли рўйхатларда назарда тутилган зарарли ва ноқулай меҳнат шaroитига эга ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, иш жойларида белгилаб қўйилганидан кам бўлмаган муддат давомида меҳнат қилган (тегишли махсус меҳнат стажига эга бўлган) шахсларга тайинланади.

Талаба 1-сонли рўйхатда кўрсатилган ишларда тегишли муддат давомида ишлаган шахслар ёшдан қатъи назар (бунда ёшининг аҳамияти йўқ ва ана шундай ишларда ишлаган давр - махсус меҳнат стажига тегишли хажмда мавжудлиги аҳамият касб этади) пенсияга чиқишлари мумкинлигини билиб олиш керак.

2-сонли рўйхатда кўрсатилган ишларда белгиланган муддат ишлаган шахслар белгиланганидан 10 йил олдин (эркаклар – 50 ёшдан, аёллар- 45 ёшдан) пенсияга чиқадилар.

3-сонли рўйхатдаги ишларда тегишли муддат ишлаган шахслар белгиланганидек 5 йил аввал пенсияга чиқишлари мумкин. Бундан ташқари нақаналар ва миттиларга 15 йил аввал (эркаклар - 45 ёшдан, аёллар 40 ёшдан муайян меҳнат стажига эга бўлганларида) пенсия тайинланиши қонун ҳужжатларида белгиланган.

Корхоналарда штатлар қисқариши, корхона фаолиятининг тўхтатилиши туфайли ишдан бўшатиш пенсияга чиқиш ёки пенсия арафасидаги фуқароларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида уларга белгиланганидан олдинроқ ёшга доир пенсия тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган. Бунинг учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

а) Эркаклар камида 55 ёшга, аёллар камида 53 ёшга тўлган бўлиши;

б) Эркаклар камида 25 йил, аёллар камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлиши;

в) Улар штатлар (ходимлар сони) қисқариши, корхона ёпилиши туфайли ишдан бўшатиш бўлишлари;

г) Ишдан бўшатишгач 10 кун ичида яшаб турган жойларидаги меҳнат бўлимларига мурожаат қилган ва иш ахтарувчи шахс сифатида рўйхатга олинган бўлишлари;

д) Мехнат бўлими уларга иш таклиф қила олмаган бўлиши керак. Бундай шахсларга мехнат бўлимининг тавсиясига кўра ижтимоий таъммнот бўлими томонидан пенсия тайинланиш мумкин.

Тўлиқсиз мехнат стажи билан ёшга доир пенсияга чиқиш ёшига етган (эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга кирган) тақдирда пенсия тайинланиши учун талаб этиладиган тўлиқ мехнат стажига эга бўлмасалар (эркаклар 25 йилдан кам, аёллар 20 йилдан кам) улардаги мавжуд мехнат стажига мутаносиб равишда тўлиқсиз мехнат стажи билан ёшга доир пенсия тайинланиши мумкин.

Ёшга доир пенсияларнинг миқдори пенсия тайинлашни сўраб ариза берган шахснинг иш ҳақи, иш стажи ва бошқа муайян ҳолатларга боғлиқ бўлади. Пенсия миқдори уч таркибий қисмдан ташкил топади. Улар:

1. Пенсиянинг таянч миқдори;
2. Белгиланганидан ортиқча иш стажи учун пенсиянинг оширилган миқдори;
3. Пенсияга устамалар.

Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори ҳисоблаб чиқарилган ўртача иш ҳақининг 55 % миқдоридан, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 100 % дан кам бўлмагани ва 7 бараваридан кўп бўлмагани ҳолда белгиланади. Пенсиянинг таянч миқдорини белгилаш пайтида ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган шу ҳақдаги хужжатда белгиланган.

Пенсияга чиқаётган шахснинг белгиланганидан (эркаклар 25 йил, аёллар 20 йил) ортиқча ҳар бир тўлиқ иш стажы йили учун ўртача иш ҳақининг бир фоизи миқдоридан (чекланмаган ҳолда) қўшимча қўшиб берилади. Қонун хужжатларида бевосита

назарда тутилган холларда тегишли асосларга кўра ёшга доир пенсияга устамалар қўшиб берилиши назарда тутилган («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» қонунининг 28-моддаси). Талаба пенсияга устама қўшиш асослари ва тартибларини яхши ўзлаштириб олиши лозим.

Пенсия тайинланганидан кейин ишламаётган пенсионерларга ижтимоий таъминот бўлими томонидан алоқа муассасаси ёки халқ банки орқали тўланади. Ишлаётган пенсионерларга эса одатда пенсиянинг 50 % миқдоридан улар ишлаётган корхона кассаси орқали тўланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябр ва 28 декабрдаги фармонларига кўра ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиблари, шу жумладан пенсияни 100 % миқдорда олишга ҳақли бўлган шахслар тоифалари белгилаб берилган (кейинчалик бу рўйхат тўлдирилган). Ёшга доир пенсияларни тайинлашни сўраб мурожаат қилиш, аризани кўриб чиқиш, пенсия тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиблари қонун ҳужжатларида белгилаб берилган ва уларни талаба чуқур ўрганиб олиши лозим.

7 - Мавзу: Ногиронлик пенсиялари.

Талаба ушбу мавзунини ўрганишга киришишдан аввал мамлакатимизда ногиронлар ижтимоий ҳимояга ва жамият махри, муруввати ҳамда эътиборига муҳтож қатлам сифатида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий жихатдан алоҳида ҳимояланишлари, уларни тўлақонли фуқаролар сифатида жамиятга қайтариш чора-тадбирлари мунтазам кўриб келинаётганлигини англаб олишлари лозим.

Ногиронларнинг ижтимоий таъминот олишга ҳақли эканликлари Конституция билан кафолатланган ва ана шундай

ижтимоий таъминотнинг асосий тури ногиронлик пенсияларидир.

Мавзуни ўзгартириш чоғида талаба ногирон тушунчаси ва ногиронларни хар томонлама химоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисида»ги қонунида мустахкамланганлигини билиб олиш муҳимдир.

Ногиронлик пенсияси тайинлаш учун фуқаро белгиланган тартибда ва ваколатли орган томонидан (Тиббий меҳнат экспертизаси) 1, 2 ёки 3 гуруҳ ногирони деб топилган бўлиши, тегишли ҳолларда эса кўзда тутилган меҳнат стажига эга бўлиши лозим.

Ногиронлик пенсияси тайинланишида ногиронлик сабаблари катта аҳамиятга эга. Ногиронлик юз берган вақт, унинг юз бериш сабаблари, ногиронлик гуруҳи тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

Ногиронликнинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

1. Меҳнатда майибланиш, ишлаб чиқариш жароҳатларидан юз берган ногиронлик;

2. Касб билан боғлиқ бўлган касалликлар туфайли (касб касалликлари рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249 сон қарори билан тасдиқланган);

3. Урушда қатнашиш, харбий хизмат вазифасини бажариш, давлат-жамият бурчини бажариш туфайли юз берган ногиронлик;

4. Умумий касалликлар туфайли ногиронлик;

5. Турмушда жароҳатланиш оқибатида юз берган ногиронлик.

Меҳнатда майибланиш ва касб касалликлари туфайли ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга уларнинг меҳнат стажи миқдоридан қатъи назар

ногиронлик пенсияси тўлиқ миқдорда тайинланаверади.

Умумий касаллик ва маиший турмушдаги жароҳатланиш оқибатида ногирон бўлган шахсларга уларнинг ёшига муносиб ҳолдаги иш стажлари бўлгани тақдирдагина (фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунининг 17-моддаси) тўлиқ ногиронлик пенсияси тайинланади. Уларга талаб этиладиганидан кам иш стажига эга бўлганларида тўлиқсиз пенсия тайинланади.

Ногиронлик пенсияси миқдори ҳам уч таркибий қисмга кўра белгиланади. Улар:

1. Ногиронлик пенсиясининг таянч миқдори (1 ва 2 гуруҳ ногиронлари ўртача иш ҳақининг 55%, 3 гуруҳ ногиронларига эса 30% миқдорида);

2. Белгиланганидан ортиқча иш стажига учун қўшимча (1 ва 2 гуруҳ ногиронларига ҳар бир ортиқча тўлиқ йиллик иш стажига учун ўртача иш ҳақининг 1 %, 3 гуруҳ ногиронларига 0.5 % чекланмаган ҳолда);

3. Ногиронлик пенсиясига устама (фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуни 28-моддаси);

1 ва 2 гуруҳ ногирони бўлган ишлаётган пенсионерларга тайинланган пенсиялар тўлиқ миқдорда тайинланиша кўзда тутилган. Ишламаётган ногиронларга пенсия ижтимоий таъминот бўлими томонидан, ишлаётган пенсионерларга эса корхона кассаси орқали тўлаб берилади.

8-Мавзў: Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари.

Ота-она таъминоти ва парваридан махрум бўлиб қолган етим болаларга гамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг муҳим хусусиятларидандир.

Боқувчисини йўқотган шахсларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституцияси билан кафолатланган. Ушбу пенсиянинг уч тури мавжуд:

1. Умумий касалликлар ёки маиший (турмушдаги жароҳатланиш оқибатида вафот этган шахслар қарамоғида бўлган бўлганларга тайинланадиган);

2. Мехнатда майибланиш ёки касб касаллиги тўғрисида (шу жумладан харбий, давлат-жамият бурчларини бажариш пайтида) вафот этган шахслар қарамоғидагиларга тайинланадиган;

3. Тўлиқсиз меҳнат стажини билан боқувчисиз қолганлик пенсияси.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси деганда боқувчи шахс вафот этиши оқибатида мунтазам равишда бериб келинган даромад ва таъминотдан қарамоғида бўлган шахслар махрум бўлиб қолишлари оқибатида ижтимоий таъминот жамғармаси маблағлари ҳисобидан тайинланадиган ва мунтазам тўлаб туриладиган таъминот тури тушунилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси марҳум боқувчи шахс меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигидан вафот этганда ушбу стажини миқдоридан қатъи назар, умумий касаллик ёки маиший жароҳатлар тўғрисида вафот этгани тақдирда эса марҳум боқувчи шахс ёшига мутаносиб меҳнат стажини бўлганида (Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 17-моддаси) тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланиши учун қуйидаги юридик ва фактик асослар мавжуд бўлиши талаб этилади:

1. Боқувчи шахс вафот этган (ўлган деб зълон қилинган)лиги;
2. Мархум боқувчи ва пенсияга талабгор шахслар ўртасида қариндошлик алоқалари мавжуд бўлиши;
3. Пенсияга талабгор шахс меҳнатга яроқсиз бўлиши ва мустақил даромадга эга бўлмаслиги;
4. Пенсияга талабгорнинг тирикчилик ўтказиш манбаи мархум боқувчидан олиб келган таъминот эканлиги, яъни мархумнинг қарамозида бўлиб келинганлик;
5. Мархум боқувчи давлат ижтимоий сугуртаси бўйича сугурталанган бўлиши лозим;

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори пенсиянинг таянч миқдори, мархум боқувчи ортиқча иш стажини учун қўшимча ва пенсияга устама қўшиб бериш (қонуннинг 28-моддаси) орқали аниқланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиянинг таянч миқдори ҳар бир боқувчисиз қолган шахсга ўртача иш ҳақининг 30% миқдорида белгиланади.

Мархум боқувчида бўлган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун 0.5% миқдорида қўшимча қўшилади. Пенсияга устамалар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган асосларда ва миқдорларда қўшиб берилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ижтимоий таъминот бўлими томонидан алоқа ва банк муассасалари орқали тўланади.

9 - Мавзў: Пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш.

Талаба пенсияларни тайинлаш тартибини яхши билиб олиши лозим. Пенсия тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда, ушбу қонунни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун зарур хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда" белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 43-моддаси пенсия тайинлаш тартибига оид бўлган умумий қоидалар баён этилган бўлиб унда кўрсатилишича:

-Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охирги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот мамурияти орқали берилади.

-Жамоа хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзолари ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа хўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш хақи тўғрисидаги зарур хужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади.

Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган холларда, у пенсия

тайинланишини сўраб бевосита туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин.

Дехқон (фермер) хўжаликлари аъзоларига, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар бевосита аризачиларнинг истиқомат жойидаги туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек, аризачига зарур хужжатларини олишида кўмаклашишлари шарт.

Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли хужжатларни талаб қилиш, зарур холларда эса уларнинг берилиши асослилигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) хужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончсиз маълумотлари бўлган хужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг олдида қонун хужжатларида белгиланганидек жавобгар бўладилар.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишончсиз хужжатлар тақдим этилиши оқибатида давлатга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар Ижтимоий суғурта жамғармасига тўланади. Бунда корхона томонидан етказилган зарар ижтимоий таъминот бўлиmidан тегишли хабарнома олоинган кундан бошлаб бир ой ичида пенсионер томонидан етказилган зарар эса белгиланган тартибда пенсиядан чегириб қолиш орқали қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарори билан «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган бўлиб, унга кўра пенсия тайинлаш ҳақидаги аризага қўшиб тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати, хужжатларни кўриб чиқиш, тайёрлаш муддатлари ва тартиблари белгилаб қўйилган.

Пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш муҳим ўрин тутади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ўртача иш ҳақининг ҳисоблаб чиқиш тартиблари белгиланган бўлиб, унга кўра:

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар фаолияти давомидаги исталган кетма-кет келган беш йилликдаги (пенсия сўраб мурोजаат этган кишининг талаби бўйича) ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурोजаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурोजаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд булган ходимларга пенсия тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти хиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган холларда иш стажи учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учу ниш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустаснодир.

Пенсиялар миқдорини ҳисоблабчиқариш пайтида иш ҳақи миқдори ва меҳнат стажи ҳажми муҳим ўрин тутади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига кўра пенсияларнинг қатъий миқдори уч таркибий қисм:

а) пенсиянинг таянч миқдори;

б) иш стажи учун пенсиянинг оширилиши;

в) пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан ташкил топади.

Ушбу уч таркибий қисмнинг аниқланиши турли пенсия турларида бир мунча ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, уларнинг ҳисоблаб чиқарилишида улар асос қилиб олинади.

Пенсиянинг таянч миқдори.

Ёшга доир пенсия тайинлашда – пенсия ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача йиллик иш ҳақининг (энг кам ойлик иш ҳақининг етти бараваридан ортиқ бўлмаган доирада) 55 %, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 100 % кам бўлмаган миқдорда таянч миқдори белгиланади. Масалан: ҳисоблаб чиқарилган

ўртача ойлик иш хақи 39000 сўм бўлса, унинг бир қисми – 7 баравар энг кам ойлик иш хақи миқдоридаги қисми (3945×7 ; 27615) олинади ва унинг 55 % (27615×0.55 к; 15188) олинади. Ушбу 15188 сўм ёшга доир пенсиянинг таянч миқдорини ташкил этади.

Бошқа мисол: Ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш хақи 6500 сўмдан иборат. Ушбу сумма энг кам ойлик иш хақининг 7 бараваридан кам бўлгани сабабли унинг ҳаммаси олинади ва унинг 55 % аниқланади (6500×0.55 к. 3575). Аммо, бу сумма энг кам ойлик иш хақидан (3945 сўм) кам бўлганлиги учун пенсиянинг таянч миқдори энг кам ойлик иш хақи миқдоригача кўпайтириб қўйилади.

Ногиронлик пенсиясининг таянч миқдори – 1-2 гуруҳ ногиронлари учун ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш хақининг (энг кам ойлик иш хақининг 7 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда) 55 %, 3 гуруҳ ногиронлари учун эса- ўртача ойлик иш хақининг 30 %, аммо энг кам ойлик иш хақининг 50 % кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси таянч миқдори. Оиланинг ҳар бир меҳнатга яроқсиз аъзосига ўртача ойлик иш хақининг 30 %, лекин энг кам ойлик иш хақининг 50 % кам бўлмаган миқдорда. Чин етим (ҳам отаси ва ҳам онасидан айрилган) болалар учун пенсия ҳисоблашда унинг ота-онаси ўртача ойлик иш хақи жамининг 30 % миқдорида, аммо энг кам ойлик иш хақининг 100 % миқдорида белгиланади.

Иш стажси учун пенсиянинг оширилиши. Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсиянинг таянч миқдори:

а) Ёшга доир пенсия тайинлашда-ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш хақининг 1 % миқдорида;

б) 1-2 гурух ногиронларига-ногиронлик пенсияси тайинлаш пайтида ўртача ойлик иш ҳақининг 1 % миқдориди;

в) 3 гурух ногиронларига-ўртача ойлик иш ҳақининг 0.5 % миқдориди;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун ўртача ойлик иш ҳақининг 0.5 % миқдориди, чин етимлар учун эса ота ва онанинг умумий (бирга қўшилган меҳнат стажига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари доирасида) стажидан келиб чиқилгани ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармониға кўра иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдордан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқаришдаги чеклаш (ўртача ойлик иш ҳақининг 75 % ортиб кетишиға йўл қўймаслиги) 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинди.

Пенсия миқдорини ҳисоблашдаги 3 таркибий қисм-пенсияларға қўшиладиган устама ҳақлардир.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ни қонуннинг 28-моддасига кўра пенсияларға қуйидаги миқдордаги устама ҳақлар қўшиб берилади:

а) 1-гурух уруш ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 %;

б) 2-гурух уруш ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 125 %;

в) 3-гурух ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 %;

г) кўзи ожизлик бўйича 1-гурух ногиронларига-энг кам ойлик иш ҳақининг 100 %;

д) 1-гурух ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 %;

- е) 2-гурух ногиронларига энг кам ойлик иш хақининг 50 %;
- ж) Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар энг кам ойлик иш хақининг 50 %;
- з) 2 жахон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва харбий мажбуриятларни бажарган шахсларга энг кам ойлик иш хақининг 30 %;
- и) вафоти харбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ харбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (яъни никохдан ўтмаганларга) энг кам ойлик иш хақининг 30 %;
- к) Ўзбекистон Республикаси олдида алохида хизматлари бўлган шахсларга энг кам ойлик иш хақининг 100 % дан 150 % гача;
- л) Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга энг кам ойлик иш хақининг 75 %;
- м) Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва Муסיқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларга, Вазирлар Махкамаси тайинлайдиган рўйхатга кўра энг кам ойлик иш хақининг 50 %.

Одатда устама хақларнинг пенсионер танлаши бўйича фақат биттаси берилиш мумкин. Аммо, қонун хужжатлариданазарда тутилган холларда бир нечта устама хақ берилишига йўл ҳам қўйилиши мумкин.

Тайинланган пенсиялар кейинчалик қайта ҳисобланиши мумкин. Пенсияни қайта ҳисоблашга асос бўладиган анна шундай холатлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар қуйидаги холларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:

Пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинлашигача бўлган иш стажу ва иш хақи тўғрисида) қўшимча хужжатларни тақдим этганда;

Ногиронлик гурухлари ўзгарганда;
Боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;
Энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгарганда;
Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;
Даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.
Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун анна шундай ҳуқуқ пайдо бўлганида исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Пенсиялар тайинланган кундан бошлаб, яъни ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган, ногиронлик белгиланган кундан бошлаб 6 ой ичида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлса-пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган кундан, бошқа ҳолларда-ариза берилган кундан бошлаб тайинланади ҳамда ишламайдиган пенсионерларга улар доимий истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Пенсияга чиққандан кейин ҳам иш фаолиятини давом эттираётган пенсионерларга эса пенсия улар меҳнат муносабатида бўлиб турган корхона, ташкилот кассаси орқали тўланади.

Ишламаётган пенсионерларга пенсия тўлаш алоқа вазирлиги бўлимлари орқали ёки пенсионерга шахсий счёт очиш орқали халқ банки муассасалари орқали амалга оширилади.

Ишламаётган пенсионерларга пенсияларни алоқа корхоналари (алоқа бўлимлари) орқали тўлашга оид бўлган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Алоқа вазирликлари томонидан биргаликда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 30 августда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Алоқа

вазирлиги корхоналари томонидан пенсия ва нафақалар тўлашга доир қўлланма»да белгилаб берилган.

1995 йил 25 декабрда рўйхатга олинган «Тартиб»га мувофиқ ижтимоий таъминот идоралари ҳисобида турган ва идоравий қарамлиги. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шакли, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш туридан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларда (жумладан, диний ташкилотларда) ишловчи пенсионерларга пенсия иш жойидан тўланади.

Ўриндошлик билан ишловчи пенсионерларга пенсия асосий иш жойидан тўланади. Ишловчи пенсионерларга пенсия ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказиладиган бадаллар ҳисобидан тўланади. Иш жойидан пенсия тўлаш ўтган ой учун ойнанг иккинчи ярмига тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўланади. Пенсия алоҳида рўйхат бўйича берилади.

Ўзи учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи шахслар ишга кирган ҳолларда пенсия 50 % миқдорда иш жойидан тўланади.

Бошқа оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи ишловчи фуқароларга (васийларга) пенсия уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади. Хусусий (шахсий) тадбиркорлик билан шугулланувчи пенсионерларга, шунингдек, дехқон-фермер хўжалигида ишловчиларга пенсия уларнинг яшаш жойидаги ижтимоий таъминот идоралари томонидан 50 % миқдорда тўланади (тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерлардан ташқари).

Ижтимоий сугурта жамғармасининг вакиллик бўлимлари солиқ идоралари билан биргаликда мазкур тоифадаги пенсионерлар тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимига хабар берадилар. Муддатидан олдин тайинланган пенсия пенсионер ишга кирган захоти тўлашдан тўхтатилади.

Пенсионер ишга кирган, ишдан бўшаганлиги ҳақидаги маълумотлар корхона иш берувчиси томонидан белгиланган тартиб ва муддатда ижтимоий таъминот бўлимига маълум қилинади. Тайинланган ва тўловга тақдим этилган пенсиядан қонунда назарда тутиб қўйилган ҳоллардагина ҳамда белгилаб қўйилган миқдордан кўп бўлмаган миқдорда чегирма қилиниши (ушлаб қолиниши) мумкин.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 65-моддасига кўра: пенсиядан чегирмалар:

а) Суднинг хал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида). Нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд хал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа хал қилувчи қарорлари асосида;

б) Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан пенсионерга унинг томонидан қилинган суистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда амалга оширилиши мумкин. Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмаларга йўл қўйилиши мумкин эмас. Пенсиядан чегирмалар миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқилади».

Хар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 % дан ошиб кетиши мумкин эмас.

10-Мавзү: Нафақалар ва уларни тайинлаш.

Нафақалар ҳам фуқароларга бериладиган ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдамнинг асосий турларидан саналади. Зероки мамлакатимизда бугунки кунда ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид ижтимоий нафақаларнинг бир неча ўнлаб турлари тайинланади ва тўлаб борилади ҳамда анна шу мақсадлар учун хар ойда ўнлаб миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бўлғуси юрист мутахассис нафақалар тайинлашига оид қонунчиликни чуқур ўзлаштириб олиши, бу соҳада қонунчиликни таъминлаш ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Нафақалар пенсиялардан фарқ қилиб, нафақа тайинланаётган шахс турмуш кечирishiнинг асосий ва барқарор манбаи саналмайди, айрим холларда у бир марталик ёки қисқа муддатга мўлжалланган бўлади. Кўпчилик холларда ижтимоий нафақалар пенсиялардан фарқли ўлароқ, пенсия жамғармаси маблағларидан эмас, балки бюджет ҳисобидан тўланади. Пенсия ва нафақалар ўртасидан бошқа айрим фарқлар ҳам мавжуд.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқида тўлов манбаига кўра нафақалар икки асосий гуруҳга ажратилади ва улар:

1. Давлат ижтимоий суғурта Пенсия жамғармасидан нафақалар;

2. Бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

Нафақаларнинг биринчи гуруҳи ижтимоий суғурталанган (иш берувчи ёки бошқа шахслар томонидан суғурта бадаллари тўлаб турилган) шахслар (ходимлар, ширкат аъзолари ва хоказо) ва уларнинг оила аъзоларига тўланса, иккинчи гуруҳи иш стажидан, ижтимоий суғурталанган-

сугурталанмагангати назар барча тоифадаги шахсларга тайинланади ва тўланади.

Ижтимоий давлат сугуртаси бўйича нафақалар, уларнинг тайинланиши ва тўланиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 14 майда давлат рўйхатида олинган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»да белгилаб берилган.

Ушбу низомга кўра ижтимоий сугурта пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган нафақаларнинг қуйидаги алоҳида турлари назарда тутилган:

- 1. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси;*
- 2. Хомиладорлик ва туғиш нафақаси;*
- 3. Бола туғилиши муносабати билан (суюнчи пули) бериладиган нафақа;*
- 4. Кўшимча дам олиш куни учун нафақа;*
- 5. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа.*

Бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган ижтимоий (социал) нафақалар фуқароларнинг турли тоифаларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тайинланиши мумкин. Улар тайинлаш ва тўлаш тартига оид ягона (корпорациялашган) норматив ҳуқуқий ҳужжат ҳозирча мавжуд эмас ва улар турли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайинланади.

Ижтимоий нафақаларнинг муайян турлари ижтимоий таъминот бўлими томонидан, қолганлари эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (махалла фуқаролар йиғини) томонидан тайинланади.

Хозирда амалда бўлган қонун хужжатларида ижтимоий (социал) нафақаларнинг қуйидаги турларини тайинлаш ва тўлаш назарда тутилгандир:

1. 16 ёшга (ўқиса 18 ёшга) етмаган болалари бўлган кам таъминланган оилаларга тайинланадиган нафақа;

2. Ишлаётган ёки ишламаётган оналарга болани икки ёшга етгунига қадар парваришлаш даврида тайинланадиган нафақа;

3. Ногирон болалар ва болаликдан ногирон бўлган шахсларга тайинланадиган нафақа;

4. Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган фуқароларга тайинланадиган қарилик нафақаси, ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик нафақаси;

5. Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун биратўла бериладиган нафақа.

талаба мамлакатимизда аниқ йўналтирилган ижтимоий химоялаш, мухтож ва нотавон фуқароларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилаётган бугунги шароитда юқоридаги нафақаларни тайинлашни тартибга солувчи қонун хужжатларини, нафақа миқдорларини, Ушбу нафақаларни олишга хақли бўлган шахслар доирасини, уларни тайинловчи ва тўловчи органларни яхши билиб олиш зарур.

**11-Мавзӯ: Фуқароларга бериладиган бошқа ижтимоий
ёрдамлар ва имтиёзлар.**

Пенсия ва нафақалардан ташқари яна бошқа турдаги натурал ҳолдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Уларнинг айримлари тиббий хизмат кўрсатиш – соғломлаштиришга оид бўлса, бошқа бири ногирон фуқароларни тўлақонли ҳаётга қайтариш, уларнинг кўнгли ўксимаслиги, ўзларини нуқсонли эканликларини хис қилмасликлари, маънавий азоб чекмасликларига қаратилган, учинчи турдаги ижтимоий ёрдамлар эса кимсасиз, ёлғиз қариялар ва ногиронларни қўллаб-қувватлашга, мактаб ўқувчиларига ижтимоий мадад беришга қаратилган.

Талаба аҳолининг ночор қатламлари ҳақида ғамхўрлик қилинаётгани, давлат ва жамият томонидан уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётганини назарда тутгани ҳолда Ушбу ижтимоий ёрдам турларини, улардан фойдаланиш шартлари ва тартибларини, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий имтиёзларга оид қонунчилик ҳужжатларини яхши ўрганиб олиши лозим.

Ижтимоий ёрдам турли-туман шаклларда амалга оширилади ва уларнинг қуйидаги асосий турлари санаб ўтилиши мумкин:

1. Ёлғиз қариялар, ногиронлар ва ота-она парваришидан маҳрум бўлган болаларни давлат таъминотига олиш, уларни меҳрибонлик уйлари, мурувват ва саховат уйларига жойлаштириш;

2. Ёлғиз қариялар ва ёлғиз ногиронларга уларнинг ўз уйларида маиший ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш;

3. Ёлғиз қариялар ва ногиронларни белгиланган нормаларда бепул энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

4. Ногирон фуқароларга протез-ортопедия буюмлари бериш;

5. ногирон фуқароларни ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш;

6. Пенсия ва ногирон фуқароларга сихатгоҳ ва оромгоҳларга бепул йўлланмалар бериш, у ерда эса даволаш;

7. Мактаб ёшидаги болаларни моддий ва бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш;

8. Фуқароларнинг (пенсия ва ногиронлар) муайян тоифаларига тиббий хизмат, дори-дармонлар билан таъминлаш соҳасида имтиёзлар бериш; 9. Фуқароларнинг айрим тоифаларига маиший тураржой, транспорт, алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатилиши соҳасида имтиёзлар бериш;

10. Фуқароларнинг айрим тоифаларига солиқлар соҳасида имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Талаба юқорида санаб ўтилган ижтимоий ёрдам ва имтиёзлардан фойдаланувчилар доирасини, берилиши шартларини ва уларга оид қонун ҳужжатларини чуқур ва атрофлича ўзлаштириб олган бўлиши лозим.

Тест саволлари.

1. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи уларнинг қандай ҳуқуқларидан саналишини аниқланг:

- а) сиёсий ҳуқуқлари
- б) манавий-марифий ҳуқуқлари
- в) мулкӣ ҳуқуқлари
- г) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари

2. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида назарда

- а) муқаддимасида
 - б) 53-моддасида
 - г) 38-моддасида
 - в) 39-моддасида
- тутилган ?

3. Фуқароларнинг ижтимоий таъминоти шакилларини аниқланг:

- а) пенсиялар , товон пули
- б) пенсиялар, нафакалар
- в) нафакалар , мукофотлар
- г) пенсиялар , жарималар

4. Ўзбекистон Республикасида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?

- а) 1991 йил 3 сентябрда
- б) 1993 йил 3 октябрда
- в) 1993 йил 3 сентябрда
- г) 1990 йил 15 октябрда

5. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон кучга кирган ?

- а) 1994 йил 1 июлдан
- б) 1993 йил 10 октябрдан
- в) 1993 йил 1 декабрдан
- г) матбуотда эълон қилинган

6. БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қачон қабул қилинган?

- а) 1918 йил 10 сентябр
- б) 1948 йил 10 декабр
- в) 1972 йил 15 март
- г) 1998 йил 30 декабр

7. Корхона ва ташкилотлар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига қанча бадал тўлайдилар ?

- а) дароматнинг 10 %ни
- б) ялли тушумнинг 3 %ни
- в) иш хақи фондининг 30 %ни
- г) тўғри жавоб йўқ

8. Пенсия жамғармаси қайси вазирлик таркибида фаолият юритади ?

- а) Вазирлар Маҳкамаси
- б) Молия вазирлиги
- в) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
- г) тўғри жавоб йўқ.

9. Юридик шахсни ташкил этмаган якка тадбиркор Пенсия жамгармасига тўлайдиган бадалнинг энг кам миқдорини топинг ?

- а) ўртача ойлик иш хақининг 100 % и
- б) энг кам иш хақининг 100 % и
- в) ойлик даромадининг 100 % и
- г) тўғри жавоб йўқ

10. Мехнат стажини қандай турлари борлигини аниқланг ?

- а) Умумий, узайтирилган
- б) умумий, махсус
- в) Махсус, узлуксиз
- г) тўғри жавоб йўқ

11. Харакатдаги армиядаги харбий хизматнинг бир йили неча йилга ҳисобланишини топинг ?

- а) бир йили уч йилга
- б) бир йили бир ярим йилга
- в) бир йили беш йилга
- г) бир йили бир йилга ҳисобланади

12. Пенсияларнинг турларини аниқланг ?

- а) ёшга доир пенсиялар
- б) ногиронлик пенсиялари
- в) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари
- г) барча жавоблар тўғри

13. Умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқиш учун :

- а) эркаклар-60 ёшга, аёллар-50 ёшга етган бўлиши керак
- б) эркаклар-55ёшга, аёллар-55 ёшга етган бўлиши керак
- в) эркаклар-60 ёшга, аёллар-55 ёшга етган бўлиши лозим

г) тўғри жавоб йўқ

14. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи 1-сонли, 2-сонли, 3-сонли рўйхатлар қачон, ким томонидан тасдиқланган ?

а) 1994йил 12 майда Вазирлар Маҳкамаси томонидан

б) 1992йил 21 мартда Президент томонидан

в) 1998йил 3 сентябрда Олий Мажлис томонидан

г) 2000 йил 1 мартда Соғлиқни сақлаш вазири томонидан

15. Биринчи сонли рўйхатда кўзда тутилган ишларда белгиланган муддат давомида меҳнат қилган фуқаролар:

а) ёшдан қатъий назар пенсияга чиқади

б) 50 ёшдан пенсияга чиқади

в) 45 ёшдан пенсияга чиқади

г) тўғри жавоб йўқ

16. Ногиронлик юз бериш вақти, сабаби ва гуруҳини ким белгилайди ?

а) тиббий муассаса даволовчи врачлари

б) соғлиқни сақлаш вазири

в) тиббий меҳнат эксперт комиссияси,

г) врачлар маслаҳат комиссияси

17. Меҳнатда майибланиш туфайли ногирон бўлган шахсга ногиронлик пенсияси тайинлашлик учун:

а) у камида 25 йил иш стажига эга бўлиши керак

б) ёшига мутаносиб иш стажига эга бўлиши лозим

в) иш стажига миқдоридан қатъий назар пенсия таъминланади

г) тўғри жавоб йўқ.

18. Ногиронликнинг нечта гурухи бор ?

а) 1та б) 2та в) 3та г) тўғри жавоб йўқ.

19. Боқувчисини йўқотганлар пенсияси кимларга тайинланади ?

а) мархум боқувчининг вояга етмаган болаларига

б) мархум боқувчининг ногирон ёки пенсия ёшидаги яқин қариндошларига

в) мархумнинг 3 ёшга тўлмаган фарзандини парваришлаётган шахсга

г) юқоридаги жавобларларнинг барчаси

20. Умумий касаллик муайян вафот этган шахс қарамоғидаги болаларига пенсия

а) мархум ёшига мутаносиб иш стажига эга бўлганда тайинланади

б) мархум иш стажига миқдоридан қатъий назар тайинланади

в) туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи рози бўлса меҳнат стажидан қатъий назар тайинланади

г) тўғри жавоб йўқ.

21. Пенсия тайинлашни сўраб кимга мурожаат қилиш керак ?

а) ишни давом эттираётган шахслар ижтимоий таъминот бўлимига

б) ишни тўхтатган шахслар охирги ишлаган корхона маъмуриятига

в) махалла фуқаролар йиғинига

г) тўғри жавоб йўқ.

22. Пенсия тайинлаш чоғида ўртача ойлик иш хақи қандай ҳисобланади ?

а) иш давридаги исталган 5 йиллик иш хақидан

б) 1 йиллик иш хақи жамидан

в) сўнгги икки ойлик иш хақидан

г) тўғри жавоб йўқ.

23. Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори деганда

а) ҳисоблаб чиқарилган, аммо энг кам иш хақининг 7 бараваридан ошмайдиган ўртача иш хақининг 55%

б) ўртача иш хақининг 30%

в) энг кам иш хақи

г) ўртача иш хақининг 100 %и тушунилади.

24. Умумий касалликдан учинчи гуруҳ ногирони бўлган шахс ногиронлик пенсиясининг таянч миқдори

а) энг кам иш хақи миқдорида

б) ўртача ойлик иш хақининг 30 % миқдорида

в) ўртача ойлик иш хақининг 50 % миқдорида

г) тўғри жавоб йўқ.

25. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг таянч миқдори:

а) умумий ўртача ойлик иш хақининг 30 %и

б) энг кам ойлик иш хақи миқдорида

в) хар бир қарамоғидаги шахсга энг кам ойлик иш хақининг 30%и миқдорида

г) тўғри жавоб йўқ

26. Ишни давом эттираётган пенсионерга тайинланадиган пенсия:

а) тўланмайди

б) 50 % миқдорда

в) қонунда кўрсатилган ҳолларда 100% тўланади

г) б ва в жавоблар тўғри

27. Пенсиядан чегриб қолишга:

а) йўл қўйилмайди

б) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда 50% гача чегрилади

в) ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи рози бўлса йўл қўйилади

г) тўғри жавоб йўқ

28. Давлат ижтимоий сугуртаси нафақаларининг нечта тури бор ?

а) 5та б) 7та в) 3та г) тўғри жавоб йўқ.

29. Умуман меҳнат стажига эга бўлмаган фуқарога давлат томонидан:

а) пенсия тайинланмайди

б) қарилик нафақаси тайинланади

в) ёрдам кўрсатилади

г) тўғри жавоб йўқ.

30. Икки ёшга тўлмаган бола парвариши билан банд, ишламайдиган онага

- а) нафақа тайинланмайди*
- б) умумий асосларда ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади*
- в) маҳалла фуқаролар йиғини тайинлайди*
- г) тўғри жавоб йўқ*

31. Қарияларни қадрлаш йили деб

- а) 2000 йил эълон қилинган*
- б) 2002йил эълон қилинган*
- в) 2004 йил эълон қилинган*
- г) тўғри жавоб йўқ*

32. Сохта хужжатлар асосида пенсия тайинланиши:

- а) жиноий жавобгарликка сабаб бўлади*
- б) фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади*
- в) интизомий жавобгарликка сабаб бўлади*
- г) а ва б жавоблар тўғри.*

Фанни ўрганиш бўйича тавсия қилинадиган адабиётлар:

1. Рахбарий адабиётлар.

1.И.А. Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Тошкент. Ўзбекистон. 1994 йил.

2.И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент. Ўзбекистон. 1995 йил.

3.И.А. Каримов «Ўзбекистон: иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз». «Халқ сўзи». 2002 йил 15 феврал.

4.И.А. Каримов «Конституция-юртимизда янги ҳаёт янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори». «Халқ сўзи». 2003 йил 6 декабр.

5.И.А. Каримов «Эл-юртга халол, виждонан хизмат қилиш-хар бир рахбарнинг муқаддас бурчи». «Халқ сўзи». 2004 йил 26 май.

6.И.А. Каримов «Қонун адолат устиворлиги, эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир». «Халқ сўзи». 2004 йил 18 сентябр.

7.И.А. Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Т.«Ўзбекистон» 2005 йил.

2.Норматив-ҳуқуқий адабиётлар:

8.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2003 йил.

9.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун»и. «Ўзбекистоннинг янги қонунлари».№ 9. «Адолат» 1994 йил.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисидаги қонун»и. «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». № 5. «Адолат» 1993 йил.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун»и. «Ўзбекистоннинг янги қонунлари». № 5. «Адолат» 1993 йил.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Мехнат кодекси». «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2004 йил.

13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Тошкент. 2003 йил

14. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Тошкент. 2001 йил

15. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент. 2001 йил

16. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар»тўғрисидаги қонуни. 1994 йил 14 апрел.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-№ 1657 сонли фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўз бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги ПФ-№ 2177 сонли фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 январдаги «Аҳолининг ижтимоий химояга мухтож қатламини

аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги 249-сонли қарори.

22. Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган дастурни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдан 33сонли қарори.

2. Махсус адабиётлар.

21. Захаров М., Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения России. Москва. 2001.

22. Иноятов А.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Тошкент. ТДЮИ. 2005 йил.

23. Турсунов Й. ва бошқалар. «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи». Ўқув қўлланма. Тошкент. «Молия». 2001 йил.

24. Турсунов Й., Усмонова М. «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи». Ўқув қўлланма. Тошкент. ТДЮИ. 2004 йил.

25. Турсунов Й. «Ёшга доир пенсиялар қандай тайинланади?» Тошкент. «Меҳнат». 2002 йил.

26. Турсунов Й., Усмонова М. «Қарияларни ижтимоий ҳимоялашнинг конституциявий кафолатлари». Тошкент. ТДЮИ. 2002 йил.

27. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. Тошкент. 2004 йил.

30. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминотига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент. «Мехнат». 2000 йил.

31. Ўзбекистон Республикаси имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлар. Тошкент. «Адолат». 2000 йил.

32. Умурзоқов Б. Имтиёзли пенсиялар. Улар кимларга тайинланади? Тошкент. 1996 йил.

Мақолалар ва доклад тезислари.

33. Усмонова М. Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш// «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т.ТДЮИ, 2003 й.

34. Турсунов Й. ва Усмонова М. Ижтимоий ҳимоя фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан. // «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги илмий конференция материаллари. Т.ТДЮИ, 2004 й.

35. Ашуров У. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя.// Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги илмий конференциялар материалларидан. Т.ТДЮИ. 2004 й.

36. Усмонова М. Абдусаматов О. «Якка тадбиркорларни ижтимоий ҳимоялаш. //Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий конференция материаллари. Т.ТДЮИ, 2005.

37. Усмонова М. Савдо хизмати ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг айрим муаммолари.//«Бозориқтисодиёти

шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари.Т.ТДЮИ, 2004 й.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
У М У М И Й Қ И С М.	
1-БЎЛИМ. «ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ХУҚУҚИ» КУРСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР	5
1-Мавзу. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи курсининг тушунчаси, предмети ва вазифалари	5
2-Мавзу. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари	8
3-Мавзу. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар	10
4-Мавзу. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари	12
М А Х С У С Қ И С М	
5- Мавзу. Мехнат стажи	15
6- Мавзу. Ёшга доир пенсиялар	17
7- Мавзу. Ногиронлик пенсиялари	20
8-Мавзу. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари	23
9-Мавзу. Пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш	25
10-Мавзу. Нафақалар ва уларни тайинлаш	35
11-Мавзу. Фуқароларга бериладиган бошқа ижтимоий ёрдамлар ва имтиёзлар	38
Тест саволлари	40
Фанни ўрганиш бўйича тавсия қилинадиган адабиётлар	48

